

I. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Юк ташиш. Автомобиль транспортида 20,8 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 5,9 фоизга кўпdir. Юк айланмаси 368,8 млн. тн-км.ни ташкил қилди ва 6,7 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-декабрга нисбатан 101,3 фоизга кўпайди ва 135,6 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 94,7 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 95,7 фоиз).

Иккисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг юк ташиш бўйича улуши 94,8 фоизни ташкил этган.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича

ифодаланиши

	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
--	----------------------------	----------------------------------------------------------

Ташилган юк, млн. тн	20,8	105,9
----------------------	------	-------

шу жумладан:

автомобил транспортида	20,8	105,9
------------------------	------	-------

Юк айланмаси, млн. тн-км	368,8	106,7
--------------------------	-------	-------

шу жумладан:

автомобил транспортида	368,8	106,7
------------------------	-------	-------

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 425,4 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,7 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 101,7 фоизга кўпайиб, 8180,2 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг йўловчи ташиш бўйича улуши 97,2 фоизни ташкил этган.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси (2016 йил январь-декабрга нисбатан) 102,1 фоизга кўпайди ва 7628,4 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 93,3 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 92,9 фоиз).

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	425,4	102,7
шу жумладан: автомобил транспортида	425,4	102,7
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	8180,2	101,7
шу жумладан: автомобил транспортида	8180,2	101,7

